**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ**

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ**
**МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**" ТАСДИҚЛАЙМАН"**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**___________ И.У.Маджидов**

**«____» ______________2020 й.**

**"КИРИТДИ"**

**Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори**

**___________ Н.Б.Сайфуллаев**

**«____»_____________2020 й.**

# РАНГТАСВИР: ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ “КОМПОЗИЦИЯ” ФАНИНИНГ КАСБИЙ (ИЖОДИЙ) ИМТИҲОН ДАСТУРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

(Мазкур дастур турдош ОТМ лардаги мавжуд таълим йўналишлар учун ишлаб чиқилган)

**5150800- Рангтасвир: турлари бўйича**
5150801- Рангтасвир: дастгоҳли
5150802- Рангтасвир: маҳобатли рангтасвир

**ТОШКЕНТ - 2020 й.**

Дастур Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув услубий Кенгашининг 2020 йил 21 апрелдаги 8-сонли мажлис баёнида кўриб чиқилган ва маъқулланган.

**Тузувчи:**

МРДИ Дастгоҳли рангтасвир кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси, академиги С.А.Абдуллаев

**Такризчилар:**

Тошкент архитектура ва курилиш институти архитектура фанлари доктори, профессор Д.А.Назилов

МРДИ Маҳобатли рангтасвир кафедраси мудири: Ш.Р.Жуманиязов

# КИРИШ

5150801 – Рангтасвир: дастгоҳли, 5150802 – Рангтасвир: маҳобатли рангтасвир таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган фанларнинг долзарблиги, ҳозирги кундаги жамиятни тезкор ривожланиш жараёнларида ишлаб чиқариш ва таълим соҳаларини бозор иқтисодиёти томойиллари асаосида узвий боғлаш, ислоҳ қилишдаги аҳамияти ва ўрни очиб берилади.

“Композиция” фанлари бўйича тузилган ушбу синов дастури ДТС, малака талаблари асосида ишлаб чиқилган. Республикамизда бадиий таълим ислоҳатларини янада чуқурлаштириш, малакали мутахассислар; рангтасвирчи рассом, маҳобатли рангтасвир рассомлари кадрларини тайёрлаш борасида, уларнинг касбий хусусиятларни ривожлантирувчи шунингдек, иқтидорли ижодкор рассом, кўникмаларини ўзида намоён қилувчи ва ушбу соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда мазкур фанлар катта аҳамиятга эга.

## 1. Абитуриент билимига қўйиладиган талаблар

Композиция фанидан абитуриент берилган мавзу бўйича топшириқни акварел, гуаш, темпра, акриллардан бирида ишлашни эркин танлайди. Композиция ғояси, мазмуни, моҳияти мутахассисликка хослиги, композиция ечимини мавзу асосида топилганлиги, бадиий ва ғоявий ифодада чизматасвир ва ранглар воситасидан фойдаланиш даражаси, шакл ва образлар пластик ечимини топилганлиги, композицион вазифасидаги асар чуқурлигининг перспектив ечими, композиция марказининг ифодали топилганлиги, мавзунинг мазмуни ва ғоясини очиб беришда колоритдан фойдаланилиши, композицияда мазмун, ғоя-фикрнинг ёритилиши ва тугалланиш даражаси каби масалаларини ёритиб бериш талаб этилади.

Абитуриентлар топшириқни ҳажми 40х60 бўлган планшетга бажаради.

2020/2021 ўқув йили қабулида 5150801 – Рангтасвир: дастгоҳли, 5150802 – Рангтасвир: маҳобатли рангтасвир таълим йўналишлари бўйича кундузги таълим шаклига ўқишга кирувчи абитуриентлар касбий (ижодий) имтиҳонларни қуйидаги фан бўйича топширади.

**“Композиция” фани 189 балл**

| **Фанининг номи** | **Бериладиган топшириқ** | **Берилган вақт** |
|---|---|---|
| Композиция | Берилган мавзу | Икки жуфтлик<br>(160 дақиқа) |

Абитуриент топшириқни, ашёда ишлашни эркин танлайди.

**2. Касбий (ижодий) имтиҳонда абитуриент томонидан бажарилган амалий иш қуйидаги мезон асосида баҳоланади.**

| № | Баҳолаш мезонлари | Тўлиқ бажарилгандаги максимал балл |
|---|---|---|
| 1. | Композициянинг форматга нисбатан жойлаштирилиши | 10 баллгача |
| 2. | Композициянинг мавзу жиҳатдан оригинал топилганлиги | 10 баллгача |
| 3. | Асарнинг композицион ғоявий мазмуни | 10 баллгача |
| 4. | Композиция ғояси, мазмуни, моҳияти мутахассисликка хослиги | 10 баллгача |
| 5. | Бадиий ва ғоявий ифодада ранглардан тўғри фойдаланиш | 10 баллгача |
| 6. | Асар қаҳрамонининг образини пластик ечим орқали топиш | 10 баллгача |
| 7. | Тасвирнинг таълим йўналишига мослиги | 10 баллгача |
| 8. | Композиция марказини тўғри топилганлиги | 10 баллгача |
| 9. | Композицияда ёруғ ва сояни ишланишидаги маҳорати | 10 баллгача |
| 10. | Композициянинг перспектив (фазовий) ҳолати | 10 баллгача |
| 11. | Композицияда ранглар билан ишлаш жараёнида ёруғ-сояларнинг бир-бирига мутаносиблиги | 10 баллгача |
| 12. | Композицияда тўқ ва оч тусларнинг тўғри топилганлик даражаси | 10 баллгача |
| 13. | Композицияда иссиқ ва совуқ рангларнинг уйғунлашув даражаси | 10 баллгача |
| 14. | Композицияда ранглар орқали атроф муҳит билан узвий боғланганлиги | 10 баллгача |
| 15. | Композицияда рангларнинг ўзаро мутаносиблиги ва яхлитлиги даражаси | 10 баллгача |
| 16. | Композицияда рангларни переспективадан ўзгариш ҳолати | 10 баллгача |
| 17. | Композицияда ракурс ва фазовий ҳолатининг ишланиш даражаси | 10 баллгача |
| 18. | Мавзунинг мазмуни, маъноси, ҳамда ранглар | 10 баллгача |

| | | |
|---|---|---|
| | уйғунлиги | |
| 19. | Ишланиш маҳорати ва унинг тугалланиш даражаси | 9 баллгача |
| **Жами:** | | **189 балл** |

## 2. Касбий (ижодий) имтиҳонни ўтказиш тартиби

5150801 – Рангтасвир: дастгоҳли, 5150802 – Рангтасвир: маҳобатли рангтасвир, таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига ҳужжат топширган абитуриентлар жадвал асосида белгиланган кунларда икки жуфтлик вақт давомида композициядан берилган мавзу асосида бажаради. Қабул комиссияси томонидан шакллантириллган гуруҳлар кесимида касбий (ижодий) имтиҳон махсус жиҳозланган аудиторияларда ўтказилади. Абитуриентлар махсус текширувдан ўтказилиб, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда бино ва аудиторияларга киритилади. Аудиторияларда абитуриентлар орасидаги оралиқ масофа 2 метрдан кам бўлмаган ҳолатда жойлаштирилади.

## 3. Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалар бўйича апелляция тартиби

Абитуриентлар томонидан касбий (ижодий) имтиҳон натижалари бўйича институт қабул комиссиясининг апелляциялар билан ишлаш комиссиясига натижалар эълон қилинган кундан бошлаб касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари институт қабул комиссияси томонидан 24 соат давомида кўриб чиқилади.

***Асос:*** *Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 июлдаги 588-сон қарорининг иловасида келтирилган "Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтихонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисида" ги НИЗОМИ*